

6000 метр чуқурликда яшовчи шаффоф желатинли балиқлар



09:00 / 03.08.2023 2635

Titan (Титан)- ушбу инсонлар томонидан ихтиро қилинган янги ва юқори технологияли сув ости кемаси (батискаф) 3000 метр чуқурликда кучли босимга дош беролмай портлаб кетди.

Arhyonidae - апиноид номли 10 сантиметрча келадиган шаффоф желатинли балиқлар эса денгиз сатҳидан 6000 метр (6 километр!) чуқурликда яшаб кўпаяди.

Айрим тадқиқотчи олимлар Япония яқинида денгиз сатҳидан 8336 метр(!) чуқурликда саянгоз (улитка)ни кузатиб аниқлашган. Айни дамда ушбу саянгоз тури бундай чуқурликда қайд этилган ноёб денгиз жонивори бўлиб турибди.

Кейин эволюция таълимоти етакчилари даъвосида бўлганлар келишади-да, ушбу ҳодисаларнинг тасодифий кашфиёт дейишиб, ўша ерда мавжуд ҳаёт борасида бонг ура бошлашади.

Қуръони карим эса шундай дейди: “Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани, Менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар. Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар”, Луқмон сураси, 11-оят.

“...Сизга жуда оз илм берилгандир», деб айт”, Исро сураси, 85-оят.

P.S. “Titan” батискафининг қулаши 18 йил 2023 июн куни содир бўлди. Батискафаси 1912 йилда чўкиб кетган “Титаник” лайнерининг вайроналари ёнига шўнғишдан кейин йўқолди. Батискаф бортида беш киши, шу жумладан учта сайёҳ бор еди. Қидирув-қутқарув операцияси эртаси куни бошланди. Дастлаб, экипаж аъзолари тирик бўлиши мумкин деб тахмин қилинган чунки, мавжуд кислород захираси тахминан тўрт кунга етарли бўлган. Бироқ, қидирув-қутқарув операцияси бошланганидан уч кун ўтгач, батискафанинг қолдиқлари Титаник кемасидан 488 метр масофада топилган: корпус бириктирилган таянч рамкаси ва енгил ташқи корпуснинг учи аниқланган. Titan батискафининг қулашининг энг катта сабаби implosion, яъни улкан ташқи босим билан бардошли корпуснинг бир зумда йўқ қилиниши деган хулосага келишга имкон беради. Экипаж ва бортдаги йўловчилар дарҳол ҳалок бўлди. Уларнинг жасадлари топилмади.

